ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ШАРОИТИДА КАСБ МОТИВАЦИЯСИНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ (КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР МИСОЛИДА)

Гулзода Неъматуллаевна Ташматова
Гулистон давлат университети ўқитувчи

Дурдонахон Рустамхон қизи Исламова
Гулистон давлат университети талаба
mahmudova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар бўлиб улар бошланғич синф ўқувчилари ҳисобланади. Бу даврларда боланинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг психикасида ҳамда жисмоний ривожланишида сезиларли даражада ўзгаришлар вужудга келади. Кичик мактаб ёшида таълим жараёнини тизимли ташкил қилиш, болада беғамлик даврининг туганланганлигидан далолат беради ва ўқишга бўлган муносабатлар тобора ўзгариб боради. Бу даврда боланинг қизиқишлари ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига аста-секин кўчиб ўтади.

Калит сўзлари: Таълим, тарбия, мактаб, жамият, давлат, ўқитувчи, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар, психология, педагогика, жисмоний ривожланиш, руҳий зўриқиш, касб, мотивация, фаолият.

ABSTRACT

Primary school pupils are children aged 7 to 12 years who are considered primary school pupils. During these periods, there are significant changes in the life and activities of the child. There are significant metamorphoses both in the psyche and in physical development. The systematic organization of the educational process at a young school age is an indicator of the end of the period of infancy in a child, and the attitude to education is constantly changing. During this period, the interests of the child gradually move from playing to learning activities.

Keywords: Education, Upbringing, School, Society, state, teacher, primary school age pupils, psychology, pedagogy, physical development, mental stress, profession, motivation, activity.